

## Шукрнинг фойдалари | Тазкия дарслари (272-дарс)



19:00 / 09.03.2024 3644

1. Шукр иймоннинг мукаммалигидир.
2. Шукр Исломнинг гўзаллигига далолатдир.
3. Шукр неъмат берувчининг ва неъматнинг эътирофидир.
4. Шукр неъматнинг муҳофазасидир.
5. Шукр неъматнинг зиёда бўлишига сабабдир.
6. Шукр Роббнинг розилиги сабабидир.
7. Шукр Роббнинг муҳаббати сабабидир.

8. Шукр халқнинг муҳаббати сабабидир.

9. Шукр нафс хотиржамлиги ва ақл комиллигидир.

Имом Байҳақий қилган ривоятда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

**«Албатта, неъмат шукр ила улангандир. Шукр эса зиёдага боғлангандир. Уларнинг иккиси бир жойга жойлаштирилгандир. Бандадан шукр узилмагунча Аллоҳдан зиёда қилиш узилмайди».**

Имом Ибн Можа ва Ибн Асокир Муҳаммад ибн Каъб ал-Қаразийдан келтирган ривоятда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Аллоҳ шукр эшигини очиб, зиёда эшигини беркитиб қўймас. Аллоҳ дуо эшигини очиб, қабул эшигини беркитиб қўймас. Аллоҳ тавба эшигини очиб, мағфират эшигини беркитиб қўймас.

Сизларга Аллоҳнинг Китобидан тиловат қилиб бераман. Аллоҳ таоло: **«Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман»**, деган.

У Зот яна: **«Агар шукр қилсангиз, зиёда қилурман»**, деган.

У Зот яна: **«Мени зикр қилинглар, сизни зикр қилурман»**, деган.

У Зот яна: **«Ким ёмонлик қилса ёки ўзига зулм этса, сўнгра Аллоҳга истиғфор айтса, Аллоҳни мағфиратли ва раҳмли Зот топади»**, деган».

Рустам ўз сўзида форсларни улуғлади, арабларни ерга урди. Уларнинг ҳолати ёмон бўлгани ва ночор яшаганларини эслади.

**Муғйра:** «Аммо сенинг бизнинг ёмон ҳолатда, ночор ҳаётда ва ихтилофда эканлигимиз ҳақида қилган васфинг тўғри. Буни инкор қилмаймиз. Дунё айланиб туради. Шиддатдан кейин фаровонлик келади. Агар Аллоҳ сизга берган нарсаларга шукр қилганингизда ҳам, шукрингиз сизга берилган нарсадан оз бўлар эди. Аммо шукрнинг озлиги сизнинг ҳолингизни ўзгартирибди. Аллоҳ бизга бир Набий юборди», деб ўзидан олдингиларнинг гапини такрорлади.

**Машҳур саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ҳақиқий тақвони:**

**«Аллоҳга итоат этиб, исён этмаслик, Уни эслаш ва унутмаслик, Унга доимо шукр қилиб, куфр кетмаслик», деб таърифлаганлар.**

***«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.